

"ЗАИФ БЎГИН" ҲАМДА "ДАВРАЛАР" ИНТЕРАКТИВ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИНИ БИРГАЛИКДА ҚЎЛЛАШ УНУМДОРЛИГИ

Юлдашева М.М.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Ушбу мақолада тиббиёт олий ўқув юртлари ўзбек тили фанидан амалий машгулотларни ўтказишда "зайф бўгин" ва "давралар" таълим усулларни бирлаштирган ҳолда дарс ўтишининг самарадорлиги ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: амалий машгулот, ўзбек тили фани, интерактив таълим методлари, самарадорлик.

ПРЕИМУЩЕСТВО ПРИМЕНЕНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ ОБУЧАЮЩИХ МЕТОДОВ "СЛАБОЕ ЗВЕНО" И "КРУГЛЫЙ СТОЛ"

Юлдашева М.М.,

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ *Резюме,*

В данной статье рассматривается преимущество применения интерактивных обучающих методов как "слабое звено" и "круглый стол" в проведение практических занятий по предмету узбекский язык в медицинских ВУЗах.

Ключевые слова: практическое занятие, предмет узбекский язык интерактивные обучающие методы, преимущество.

THE ADVANTAGE OF USING INTERACTIVE TEACHING METHODS "WEAK LINK" AND "ROUND TABLE"

Yuldasheva M.M.,

Bukhara State Medical Institute.

✓ *Resume,*

This article discusses the advantage of using interactive teaching methods as a "weak link" and "round table" in conducting practical classes on the subject of the Uzbek language in medical universities.

Keywords: practical lesson, subject Uzbek language interactive teaching methods, advantage.

Мавзунинг долзарблиги

Ўзбекистон Республикасининг тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносаб ўрин эгаллаши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун фуқароларнинг, айниқса зиёлиларнинг мъяновий салоҳияти, иқтисодий ўзгаришларини тўғри талқин қилишлари ва бу жараёнларни бошқара олишлари ҳамда XXI аср илмий-техника тараққиёти талабларига жавоб берга олишлари учун ўқув масканларида сифатли кадрларни етказиб бериш масаласи долзарб ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллый дастурининг асосий вазифаларидан бири мустақил фикрлайдиган ёшларни тайёрлашадир. Ушбу вазифаларни бажаришда ёш мутахассис кадрларга билим беришнинг самарасини оширувчи янги, замонавий педагогик услубларни қўллаш катта ахамиятга эгадир.

Мавзунинг мақсади: Ҳозирги кунда таълим жараённинг янги услубларни қўллашга бўлган қизиқиш кундан - кун кучайиб бормоқда, анъанавий таълимдан фақат тайёр билимларни эгаллашга ўрганган бўлса, бугунги кунда талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш уларда бошқарувчилик, йўналтирувчилик кўникмаларини шакллантиради. Интерактив таълим услублари қўлланилганда талабалар ўқитиш жараённинг фаол иштирок этадилар, билим олишнинг охирги ютуқларини ўрганиш йўли билан ўз устларида мустақил таёrlаниш даражалари ошади. Ўқитиш жараённини яна-да ривожлантиришнинг янга бир омили амалий машгулотларда интерактив таълим методларидан фойдала-

ниб дарс ўтишидир. Бунда талабалар орттириган билим ва кўникмаларини муайян ҳолатларда қўллай олишига, мавзуни яхшироқ ўзлаштиришларига эришилади.

Материал ва услублар

Биз Бухоро давлат тиббиёт институти "Педагогика, психология ва тиллар" кафедрасида ўзбек тили фани ўқув машгулотларини ўтказишда интерактив ўқитиш услубларидан "зайф бўгин" ва "давралар" методларини бирлаштирган ҳолда амалий машгулотларни ўтказишни афзал деб топдик. Бунда "давралар" усулида мавзу тўлиқ очиб берилса, "зайф бўгин" усулида мавзу бўйича олинган билимлар мустаҳкамланади. "Давралар" методи талабаларда ўрганилаётган мавзу (масала, муаммо) юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томонидан Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тариҳий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулкатори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир. Тарбия мақсади ижтимоий буюртма асосида белгиланади, энг оддий ҳаракатдан тортиб то кент кўламли давлат дастури асосида ташкил этилувчи тарбия доимо муайян мақсадга йўналтирилган бўлади, бунда билдирилаётган фикрларни тинглай олиш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларини асослаш ва хулоса чиқара олиш қобилиятини тарбиялашга хизмат қилаади. Методни қўллашда талабалар давра қуриб ўтишлари, ўртага ташланган савол юзасидан ўз тушунчаларини баён этишлари лозим. Бунда талабалар ўзлашрига навбат келишини кутиб ўтирмасдан, мавзу (са-



вол, масала, муаммо) юзасидан билгандарини айта олишлари керак. Методни күллашда ҳар бир талабанинг иштироки таъминланиши, муҳокамага ўз хиссаларини қўшишлари муҳим саналади. Зоро, методнинг асл мақсади мавзу юзасидан ҳар бир талабанинг фикрини билишдир. Ҳар бир талаба томонидан фикр билдирилаётганда унинг сўзини бўлиш, қўшимча қилиш ҳеч ҳеч кимга, ҳатто ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди. Ўқитувчи муҳокаманинг якунидаги билдирилган фикрларни умумлаштириши, талабаларнинг иштироклари даражасини кўрсатиб ўтиши мумкин. Ушбу усул, одатда, машғулотнинг бошланиши ёки якунидаги қўлланилади, ҳажм жиҳатдан катта ва мураккаб назарий маълумотларни ўзига мужассамлаштирган мавзуларни кенг қиррали ёритишида тавсия қилинади. Шунинг учун ушбу услуб амалий машғулотларни ўтказишида самарали бўлиб ҳисобланса, муаян шошилинч ҳолатда тезкор жавоб талаб қилувчи "заиф бўғин" усулни эса талабаларда шошилинч ҳолатларда тез ва аниқ жавоб бериш қобилиятларини оширади. Дарс жараёнида ушбу усулларни бир вақтда кетма-кет қўллаш олинган билимни янада мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Давралар усулини ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар:

5. Талабалар интерактив ўтказилиши тўгрисида огоҳлантирилади ва улар давра қуриб ўтиришади ва ўртага савол ташланади.

6. Талабалар ўртага ташланган савол юзасидан ўз тушунчаларини баён этишлари лозим. Бунда талабалар ўзларига навбат келишини кутиб ўтирмасдан, мавзу (савол, масала, муаммо) юзасидан билгандарини айта олишлари керак.

3. Ҳар бир талаба томонидан фикр билдирилаётганда унинг сўзини бўлиш, қўшимча қилиш ҳеч ҳеч кимга, ҳатто ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди.

Давралар усулида қўйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

6. Методни кўллашда ҳар бир талабанинг иштироки таъминланиши;

7. Регламентта риоя қилиниши;

8. Фақат мавзу бўйича гапирилиши;

9. Методнинг асл мақсади мавзу юзасидан ҳар бир талабанинг фикрини билишдир;

10. Мавзу бўйича зиддият чиқишига йўл қўймаслик.

11. Ўқитувчи муҳокаманинг якунидаги билдирилган фикрларни умумлаштириши, талабаларнинг иштироклари даражасини кўрсатиб ўтиши

"Заиф бўғин" усулини ўтказиш қоидалари

Усулини ўтказиш учун керакли анжомлар: секундомер, гуруҳ рўйхати (ўйин баённомасини тузиш учун), ўтилаётган мавзу бўйича саволлар тўплами.

Усулини ўтказиш тартиби:

1. Ўйинни ўқитувчи ва талабалардан бир ёрдамчи-ҳисобчи ўтказади.

2. Ҳисобчи ва рақада талабалар рўйхати, гуруҳ номери, ишчи ўйин номи, ўйин ўтказилган санани ёзади.

3. Ўқитувчи саволлар тўпламидан талабаларга савол беради.

4. Берилган саволга талаба 5 секунд давомида жавоб бериш керак.

5. Ўқитувчи "тўғри" ёки "нотўғри" деб жавобни баҳолайди, ўзи тўғри жавобни айтади.

6. Ҳисобчи талаба рўйхатида жавобнинг тўғрилигига қараб + ёки - белгилайди.

7. Шу ҳолда талабалар иккى турини ўтказади.

8. 2 турдан кейин ўйин тўхтатилади, 2 та минус олган талаба ўйиндан чиқади.

9. Қолган талабалар билан янги турини давом эттирилади.

10. Турлардан тўғри жавоб бериди ўтган талабалар кейинги тур давом эттирилади.

11. Ҳисобчи ва рақада нотўғри жавоб берган талаба қайси турдан чиқиб кетганини белгилаб боради.

Талабалар билимини баҳолашда ўқитувчи қуидагиларни инобатга олиши зарур:

7) "Давралар" ишчи ўйини бўйича - мунозара тўғри режалаштирилдими ва ўтказилдими?

8) Ушбу мавзуга доир ҳамма керакли маълумотлар айтилдими?

9) Саволни очиб беришда ким кўп қатнашди ва керакли фикр билдириди?

10) Ким саволларни тушунмади?

11) Қатнашчиларда ишчи ўйиндан қониқиши ҳосил бўлдими?

7) "Заиф бўғин" ишчи ўйини бўйича максимал 5 балл ҳисобида баҳоланади.

8) Қўйилган баллар машғулот учун бериладиган якуний баҳолашда назарий қисм бали бўлиб ҳисобланади.

9) Ўқитувчи журналинг пастки бўш қисмида ишчи ўйин ўтказилганини белгилайди.

10) "Давралар" ва "Заиф бўғин" ишчи ўйинлари бўйича тўпланган баллар умумлаштирилиб, ўртача балл қўйилади.

Дарс охирида гуруҳ журналинг пастки бўш қисмида ишчи ўйин ўтказилганини белгиланади.

Натижва таҳлил

"Давралар" усулида талабаларнинг ўз фикрини тўлиқ баён эта олиши, "Заиф бўғин" услубида эса муаян ҳолатда саволга тез жавоб бериш маҳоратлари ошади. "Давралар" усулида мавзу тўлиқ очиб берилганлиги сабаб, "Заиф бўғин" услубида олинган билимлар мустаҳкамланди. Ҳар бир талабанинг таёrlаниши даражасига баҳо берилди. Ўйин услубида ўтказилганлиги боис талабаларда қизиқиши ортади.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ушбу услубларнинг амалий машғулот ўтишда қўлланилиши, талабаларни ўқитиши жараёнига жалб этиш даражасини ортиради, талабаларнинг бир-биридан ўрганишлари учун шароит яратилади, фан бўйича олган билимларни амалда текшириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. - Санкт Петербург, 2002.
2. Сластенина В.А. Педагогика профессионального образования. // Под. ред. В.А. Сластенина. - М.: Академия, 2004.
3. Использование инновационных технологий в процессе преподавания педагогических дисциплин (электронный ресурс) <http://ntfmkonfz.ru>
4. Сластенин В.. Исаев И и др. Педагогика: Учебное пособие (электронный ресурс) <http://www.gumer.info>
5. Исақулов В.Т., Тўлаганова Д.В., "Махсус фанларни ўқитишида илгор педагогик технологияларни индивидуал ёндашув асосида қўллашнинг самарадорлиги". Фан таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияловчи шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари Республика илмий-амалий конференцияси I-қисм Илмий мақолалар тўплами 220-221 бетлар.
6. Орзиев З.М., Рахматова М.Р., Жалолова В.З., Кличова Ф.К. "Критерии эффективности уровня знаний студентов, приобретенных интерактивными методами" Журнал дневник казанской медицинской школы 'II (XIX) июнь 2019; 38-42.

Келиб тушган сана 09.02. 2020